

Бугун Тошкент шаҳрида Мавлиди шариф ўқиладиган масжидлар



11:11 / 07.12.2018 2772

Хабарингиз бор, Робиъул аввал ойи муносабати билан Жума намозларида диёримиз масжидларида Имом Жаъфар Барзанжий раҳматуллоҳи алайҳ томонидан Набий алайҳиссалом туғилишлари, ҳаёт йўллари, ахлоқлари тўғрисида битилган, халқ орасида машҳур бўлган “Мавлиди шариф” ва ўзбек тилидаги саловоти шарифлар ўқилмоқда.

Бугун 07.12.2018 санасида Тошкент шаҳридаги қуйидаги масжидларда Жума намози олдида Мавлиди шарифлар ўқилади:

Яккасарой тумани:

1. “Усмон бин Маъзун” жоме масжиди. (“Қушбеги” маҳалласи кичик халқа йўли, Х.Умаров кўчаси №41 уй. Тел.: +998 71 250 27 39)

2. “Раҳимжон Ҳожи ота” жоме масжиди. (Академик Сирожиддинов кўчаси, 48 уй. Тел.: +998 71 253 45 60)

Шайхонтоҳур тумани:

3. “Занги-Ота” жоме масжиди. (“Занги ота” маҳалласи, Самарқанд дарвоза кўчаси 122 – уй. Тел.: +998 71 227 05 69)

4. **“Баланд”** жоме масжиди. (Қоратош маҳалласи, Бешёғоч кўчаси, 173-уй. Тел.: +998 71 245 93 21)

5. **“Ислон - Нури”** жоме масжиди. (Қизилғунча 4-тор кўчаси 4-уй. Тел.: +998 71 243 46 95)

Чилонзор тумани:

6. **“Олтинхонтўра”** жоме масжиди. (“Мевазор” маҳалласи, Токзор кўчаси, 17-уй. Тел: +998 71 216 02 72)

7. **“Тинчлик”** жоме масжиди. (“Тинчлик” маҳалласи, И.Усмонов кўчаси 17-уй. Тел: +998 71 271 32 68)

Яшнобод тумани:

8. **“Али ибн Абу Толиб”** жоме масжиди. (Ғалабанинг 40 – йиллиги Тузел маҳалла биринчи мавзе, Чўлпон кўчаси 1-уй. Телефон: +998 71 294 43 99)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мадҳ этилган, саловот айтилган давраларга нур ёғилади, қалблар Ул муборак зотнинг исмлари, муборак сийратлари билан ҳушбўй мушк таратади. Бу онда дуолар мустажоб бўлади. Фурсатни бой берманг азизлар, Мавлиди шарифларга марҳабо!